

Zohidjon A. ABDULLAYEV,  
Research fellow of Imam Maturidi  
International Scientific Research Center.  
A.Kadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.  
E-mail: [zahid8laza@gmail.com](mailto:zahid8laza@gmail.com)

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2022/3/9

## АҲЛИ СУННА АҚИДАВИЙ ТАЪЛИМОТИДА “КАЛОМ” СИФАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

### ANALYSIS OF THE APPROACHES TO THE LIGHTING OF THE ATTRIBUTION OF “KALAM” IN THE CREEDAL SOURCES OF AHL AL-SUNNAH

#### АНАЛИЗ ПОДХОДОВ К ОСВЕЩЕНИЮ АТРИБУТА “РЕЧИ” В ДОКТРИНАЛЬНЫХ ИСТОЧНИКАХ АХЛЬ АС-СУННЫ

#### КИРИШ

Қадим ислом тамаддуни хозирда жадал ривожланаётган замонавий илм-фан тараққиётига улкан хисса қўшиб, исломнинг оламшумул дин эканини яна бир карра исбот этаётган бир пайтда, унинг асл моҳиятини англаб етмаган баъзи бир тоифалар ушбу муқаддас диннинг асосларидан хисобланган эътиқодий масалаларни нотўғри ва ноўрин талқин этишлари ҳамда ҳар бир олимни ўз даври нуқтаи назарига кўра ўрганмаслик, айниқса, ақлий мушоҳадани четга суриб, ҳарфийликка берилиш ортидан бутун ислом умматини, хусусан, ёш авлодни фикрлашдан тўсиб, манқуртлик ботқоғига етаклашлари ачинарли.

Бундай муаммолар талайгина бўлиб, Аллоҳнинг калом сифати, Аллоҳ осмондами ёки Аршдами, шунингдек, У ҳар тонг сахарда дунё осмонига тушадими ёки йўқми каби эътиқодий саволлар шулар жумласидан.

Дарҳақиқат, тарихдан маълумки, ислом уммати уламолари ўртасида энг кўп тортишувлар, баҳс-мунозаралар, фитналарнинг авж олиши ва аҳли сунна вал жамоа имомларининг “михна” фитнасига дучор бўлишларига сабаб бўлган нарса бу уларнинг Аллоҳ таолонинг қадимий ва азалий калом сифатига нисбатан бўлган эътиқодий карашлари эди.

#### АСОСИЙ ҚИСМ

Аллоҳ таолонинг ислом-сифатлари ҳақида сўз юритилар экан, аҳли сунна вал жамоа уламоларининг барчалари айтиб ўтган қуйидаги жумлани келтириш мақсадга мувофиқ:

مَهْمَا تَصْوِرْتَ بِنَالَكَ فَاللَّهُ بِحَدْفِ ذَلِكَ أَوْ فَاللَّهُ لَا يُشْبِهُ ذَلِكَ  
أَوْ مَهْمَا حَطَرْتَ بِنَالَكَ فَاللَّهُ لَا يُشْبِهُ ذَلِكَ.

“Фикрингда (Аллоҳ ҳақида) ҳар қанча тасаввур қилмагин, Аллоҳ унинг ташқарисидадир ёки Аллоҳ унга ўхшамас”. Баъзилари эса: “Ўй-хаёлингга ҳар нима келмасин, Аллоҳ унга ўхшамас” (Ҳасан ибн Абу Бақр ал-Макдасий, 2012), деганлар.

Аллоҳ таолонинг калом сифати масаласи ўта муҳим ақидавий масалалардан бири бўлиб, бу хусусда аҳли сунна вал жамоа уламолари ўз асарларида кенг баён этиш ва батафсил изоҳлаш ҳамда тушуниришга катта эътибор қаратганлар.

Аллоҳ таоло калом сифати билан сифатланган. Аммо калом Аллоҳ таолонинг сифати бўлса-да, у маҳлукотларнинг гапиришига ўхшамайди. Шунингдек, у инсоннинг ўй-хаёлига келганидек ҳам эмас. Аллоҳ таолонинг каломи саноқли эмас, балки, ягона сифатдир. Инсонларнинг каломи эса, саноқлидир. Шундай экан, Аллоҳ таолонинг каломи инсоннинг каломи, гапи каби эмас. Шунга кўра, Унинг каломи ҳарф, товуш, тил, ҳавонинг кириб чиқиши, аъзоларнинг қимирлашидан иборат эмас. Аммо инсонларнинг гап-сўзлари ҳарф, товуш ва тилдан иборат. Аллоҳ таолонинг каломи эса, яратилган маҳлукот-мавжудотлар каломига ўхшамайди. Шунингдек, инсонларнинг гап-сўзлари ҳавонинг кириб чиқиши ва аъзоларнинг ҳаракатланиши билан ифода этилишига кўра, маҳлук саналади. Аллоҳ таолонинг каломида бошланиш ҳам, тугаш ҳам йўқ! Чунки у бошланиши ва тугаши бўлмаган Аллоҳ таолонинг сифатидир.

Бу борада, аҳли сунна вал жамоанинг ёндашуви икки бидъатчи тоифа фикрларидан тубдан фарқ қиласиди. Бидъатчи тоифаларнинг бири “мушаббиҳа-мужассималар”<sup>1</sup> бўлса, иккинчиси “муаттилалар” дир<sup>2</sup>.

#### МУҲОКАМА

Мужассима ва мушаббиҳалар: “Аллоҳ таоло ҳарфлардан, кўп сонли товушлардан иборат калом билан сўзлайди ва каломи Унинг зотида пайдо

<sup>1</sup> Аллоҳнинг сифатларини маҳлукотлар сифатларига ўхшатувчи ва Унга жисм нисбатини берувчилар.

<sup>2</sup> Аллоҳнинг сифатларини йўққа чиқарувчилар.

**Аннотация.** Аллоҳ таоло қалом сифати билан сифатланган. Бироқ Аллоҳ таолонинг ушбу сифати, маҳлуқотларнинг сифатларига ўхшаши бўлмайди ва инсоннинг ўй-хаёлига келганидек ҳам эмас. Шунингдек, Аллоҳ таолонинг қаломи саноқли ҳам эмас, балки ягона сифатдир. Бизнинг қаломимиз эса, саноқлидир. Аллоҳ таолонинг қаломи эса, бизнинг сўзимиз, гапимиз каби эмас. Шунга кўра, Унинг қаломи ҳарф, товуш, лугат, ҳавонинг кириб чиқиши, жисмларнинг қўмирлашидан иборат эмас. Аммо бизнинг гап-сўзларимиз ҳарф, товуш, лугатдан иборат. Шунингдек, бизнинг гап-сўзларимиз ҳавонинг кириб чиқиши ва жисмларнинг ҳаракатланиши билан бўлиши сабабли маҳлуқ ҳисобланади. Аллоҳ таолонинг қаломида бошланиши ҳам тугаш ҳам йўқ! Чунки у бошланиши ва тугашни бўлмаган Аллоҳ таолонинг сифатидир.

Демак, Аллоҳ таоло Ўзининг азалий нафсий қалом сифати билан мутакаллим, яъни гапиравчидир. Қуръон Аллоҳ таолонинг қаломи. Таъқидлаши лозимки, Аллоҳ таолонинг азалий нафсий қаломи билан Унинг қаломини ифода этувчи нарсанинг ўртаси ажратилган.

Шунга кўра, Аллоҳ таолонинг нафсий қаломи Унинг қадим ва азалий сифатидир. Аммо Аллоҳ таолонинг қалом сифатини ифода этувчи нарса, мисол учун, Жаброилнинг ифода этиши, Набий соллаллоҳу алайҳи вассаламнинг ифода этишилари ва шу каби Аллоҳнинг қаломига далолат қиласиган ишлар кейин яратилган нарсалар ҳисобланади.

Уйбу мақолада Аллоҳ таолонинг қалом сифати хусусида сўз юритилади. Аҳли сунна вали жамаа олимлари, жумладан, Имом Абу Ҳанифа, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал, Имом Бухорий ва Имом Мотуридий каби буюк муджтаҳидларнинг ижтиҳодий қараашлари қиёсий таҳлил қилиниб, уларнинг бу борадаги ҳуносалари тақдим этилади.

**Калит сўзлар:** Аллоҳнинг қалом сифати, қалом, Қуръони карим, мотуридийлик, ашъарийлик, мұтазилийлик, лафзий қалом, нафсий қалом.

**Abstract.** Allah is characterized by the attribute of Kalam (speech). However, kalam, which is an attribute of God, is not similar to the attributes of creatures, and it is not as human imagines. Also, the word of God is not countable but the only attribute. And our word is numbered. The word of God is not like our words. Accordingly, His speech does not consist of letters, sounds, vocabulary, the inflow and outflow of air, and the movement of bodies. However, our speech consists of letters, sounds, and vocabulary. Also, since our speech is by the inflow and outflow of air and the movement of bodies, it is a creature. There is no beginning or end in the word of God! Because it is an attribute of God Almighty that has no beginning and no end!

Therefore, Allah Almighty is a speaker with the attribute of His eternal speech. The Qur'an is the word of God. However, there is a difference between the eternal word of God and the thing that expresses His word.

Accordingly, the kalam of God is His ancient and eternal attribute. However, the things that express the attribute of kalam of God, for example, the expression of Gabriel, the expression of the Prophet, may God bless him and grant him peace, and similar things that testify to the word of God, are things that were created later.

This paper talks about God's attribute of Kalam. The ijithadi views of the great mujtahid scholars of Ahl al-Sunnah wal Jama'ah, such as Imam Abu Hanifa, Imam Ahmad ibn Hanbal, Imam Bukhari, and Imam Maturidi, are compared and their conclusions in this regard are presented.

**Keywords:** God's attribute of Kalam, Kalam, Holy Qur'an, Maturidiyya, Ash'ariyya, Mu'tazilah, verbal kalam, nafsi kalam.

**Аннотация.** Аллах наделяется атрибутом речи, слова. Однако, если речь атрибут Аллаха, то этот атрибут определенно не похож на такие же атрибуты творений. И это не доступно человеческому разуму. Слово Аллаха – не является исчисляемым, оно единственное, уникальное. Наши же слова являются исчисляемыми. Слово Аллаха не похоже на наше слово, на нашу речь. Соответственно, его слово не состоит из букв, звуков, лексики, движения воздуха и тел. В то же время наша речь состоит из букв, звуков, лексики. Кроме того, поскольку наша речь связана с притоком воздуха и движением тел, это слово становится сотворенным. В слове Аллаха нет ни начала, ни конца! Потому что это атрибут Всевышнего Аллаха.

Итак, всевышний Аллах является предвечно говорящим со своим атрибутом «калям нафсий». Коран – это калям Аллаха. Однако есть различие между предвечным калямом нафсий и тем, что выражает Его слово.

Соответственно, калям нафсий Аллаха является его извечным и предвечным атрибутом. Однако то, что излагает атрибут речи Аллаха, например, изложение Джабраила, изложение Пророка (да благословит его Аллах и приветствует) и другие подобные дела, свидетельствующие о слове Аллаха, являются вещами, которые были созданы позже.

В этой статье говорится о атрибуте Речи Аллаха. Сравниваются взгляды на иджтихад таких великих муджтахидов Ахли Сунна вали жамаа, как имам Абу Ҳанифа, имам Ахмед ибн Ҳанбал, имам Бухари и имам Матуриди, и представлены их выводы.

**Ключевые слова:** свойство речи Аллаха, калям, Коран, матуридизм, аш'аризм, мутазилизм, калям лафзий (словесно выраженная речь), калям нафсий (несотворенная предвечная речь).

бўлиб, сўнгра тўхтайди, сўнгра яна пайдо бўлади ва сўнгра яна тўхтайди”, деб эътиқод қилганлар.

Мўътазилийлик, жаҳмийлик каби муаттилалар: “Аллоҳ таоло калом сифати билан сифатланмайди. Балки Унинг каломи ҳарфлар ва товушлардан иборат бўлиб, Ўзидан бошқада яратади. Бунга “ал-Лавҳ ал-Маҳфуз”, Жаброил (а.с.), Пайғамбар (с.а.в.)га нозил қилишда яратилгани мисол бўлади. Шунга кўра, у кейин пайдо бўлган, яъни яратилган”, деганлар (Ҳасан ибн Абу Бакр ал-Мақдасий, 2012).

Аҳли сунна вал жамоа уламолари эса, ўхшатишсиз Аллоҳ таолонинг мазкур сифатини исбот этиб, тасдиқлаганлар. Уни йўққа ҳам чиқармаганлар, маҳлукотларнинг сифатига ҳам ўхшатмаганлар. Балки, албатта, Аллоҳ таолонинг каломи ҳарф ҳам эмас, товуш ҳам эмас, бирор тилга ҳам оид эмас. Чунки, агар ҳарф, товуш ёки бирор тил (луғат)дан иборат бўлса, унда маҳлукотларнинг сўzlари каби бўлар эди, деганлар (Ҳасан ибн Абу Бакр ал-Мақдасий, 2012).

Шунга кўра, ушбу мақолада Абу Ҳанифа, Аҳмад ибн Ҳанбал, Имом Бухорий ва Имом Мотуридий ижтиходларининг қисқача қиёсий таҳлили тақдим этилади.

Биринчи босқич: Маълумки, Абу Ҳанифа Нўймон ибн Собит Куфий (699–767) “Имоми Аъзам” – “Буюк Имом” унвони билан машҳур мужтаҳид, тобеинлардан бўлган (Сувайдон, 2011). Ўша даврда ҳам ноанъанавий фикрларни тарғиб қилувчи тоифалар, файласуфлар, хусусан, Жаъд ибн Дирҳам (666–724) ва унинг шогирди Жахм ибн Сафрон (696–746) каби бузғунчи эътиқодий фикрларни тарқатувчи шахслар мавжуд бўлиб, Абу Ҳанифа ана шундай бидъатчи тоифаларнинг фикрларни инкор этди. Шунингдек, Аллоҳ таолога нисбатан номуносиб фикрларни уммат орасида тарқатишларига бефарқ бўлмади ва уларга ўз ўрнида муносиб раддиялар берди. Шундай масалалардан бири бу Аллоҳ таолонинг калом сифати ва Қуръони карим хусусидаги ақидавий қарашлари масаласидир.

Саҳобийларга энг яқин даврда яшаган ва баъзи саҳобийлар билан кўришган Абу Ҳанифанинг “ал-Фикҳ ал-акбар” асарида Аллоҳ таолонинг калом сифати ҳакида қўйидагича зикр этилган:

“Зотий сифатлар: ҳаёт, қудрат, илм, калом, эшитиш, кўриш ва ирода” (Абу Ҳанифа, 2021). Бу ўринда Абу Ҳанифа барча сифатларни, жумладан, калом сифатини ҳам муҳтасар ҳолда келтириб ўтган. Сўнгра, ушбу сифатларни қисқача шарҳлаб, хусусан, калом сифати ҳакида бундай дейди: “У азалдан калом ила гапиравчидир ва калом азал-

дан Унинг сифатидир” (Абу Ҳанифа, 2021). Ўқувчи шунга эътибор бериши керакки, Абу Ҳанифа аввал Аллоҳ таолонинг калом сифатини алоҳида шарҳлаб, кейинроқ Қуръони каримга алоҳида таъриф берган. Бундан шуни тушуниш мумкинки, калом сифати Аллоҳ таолонинг зотий сифатларидан бири ва у маҳлук эмаслиги аниқ. Лекин Қуръони карим хусусидаги масалага келганда эса, унга алоҳида шарҳ беришни лозим топди. Нима учун айнан шундай йўл тутди? деган савол туғиладиган бўлса, унга қўйидагича жавоб бериш мумкин: Қуръони карим ўқилари, ёдланади, ҳарфлар билан ёзип кўчириларди, тилларда талаффуз қилинади ва бошқа жиҳатлари бор. Шунга кўра, қайси жиҳатдан қаралса, у Аллоҳ таолонинг азалий сифати бўлишини ёки қандай кўринишларда яратилган ишлардан бўлишини шарҳлаб бундай деган: “Қуръон – Аллоҳ таолонинг каломи, мусхафларда ёзилган, қалбларда ёд олинган, тилларда қироат қилинган, Набий алайхиссаломга нозил қилинган. Қуръонни талаффуз қилишимиз маҳлук (яратилган)дир, уни ёзишимиз маҳлукдир, уни қироат қилишимиз маҳлукдир, Қуръоннинг ўзи эса маҳлук эмасдир”. Шунингдек, Аллоҳ таоло “бизнинг каломимизга ўхшамаган калом ила гапиради. Биз аъзолар ва ҳарфлар воситасида гапирамиз. Аллоҳ таоло аъзоларсиз ва ҳарфларсиз гапиради. Ҳарфлар маҳлукдир. Аллоҳ таолонинг каломи маҳлук эмасдир” (Абу Ҳанифа, 2021).

Ушбу ибора ақоид олимларининг “Ўқилган нарса қадимий бўлиб, ўқиш эса қадимий эмас” деган сўzlари қабилидан.

Хулоса қилиб айтганда, Имом Абу Ҳанифа ушбу мавзуга қўйидагича ёндашишни тавсия этган: Аллоҳ таоло Ўзининг азалий каломи билан гапиравчидир, калом Унинг азалий сифатидир; у (Қуръон) Аллоҳ таолонинг қадим каломи бўлиб, яратилган эмас; уни талаффуз қилиш, мусхафга ёзиш, қироат қилиш, ўқигандаги овоз ва ҳарфлар яратилгандир; бандаларнинг аъзолар ва ҳарфлар билан гапириши яратилган, Аллоҳ таолонинг аъзоларсиз ва ҳарфларсиз гапириши яратилган эмас.

Ушбу фикрларни бутун уммат уламолари, хусусан, Имоми Аъзамнинг шогирдлари қўллаб-куватлаганлар. Шунингдек, мазкур фикрни ундан кейин келган аксар уламоларнинг китобларида ҳам учратиш мумкин.

Иккинчи босқич: Абу Ҳанифа даврида ёки олдинроқ фитналар кўпайиб, 218/833 йилда мусулмонлар улкан фитнага дучор бўлдилар. Кўплаб олимлар ушбу фитнанинг қурбони

бўлдилар. Энг ачинарлиси, ушбу фитна Аллоҳ таолонинг калом сифати, хусусан, Куръони каримнинг маҳлук ёки маҳлук эмаслиги ҳакида эди. Маълумки, ушбу фитнада тўрт мазҳаббошидан бири бўлган Ином Аҳмад ибн Ҳанбал (780–855) мусулмонлар халифаси мўътазилийлик тоифасини кўллаб-қувватлаган бир пайтда, уларнинг Куръон маҳлук ёки маҳлук эмаслиги ҳакидаги саволларига қатъият билан: “Куръон Аллоҳнинг Каломи”, деб жавоб берди ва унга зиёда ҳам қилмади. Баъзи ривоятларда унинг “Куръон Аллоҳнинг каломи, маҳлук эмас” (Аҳмад ибн Ҳанбал, 2003) (Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, 2005), дегани ҳам келтирилган. Нима бўлганда ҳам, Ином Аҳмад ибн Ҳанбалнинг замонларида ушбу жавобда маҳкам туриш лозим бўлган ва у қийноқларга солиниши ҳамда азобланишига қарамасдан, ўз услубини ўзгартирмай, балки матонат билан ўз сўзида қатъий турган. Чунки ўша вактдаги вазият шуни тақозо қилган бўлиб, ички ва ташқи муҳитдан таъсирланган, ҳукumat тарафидан кўллаб-қувватланган мўътазилийлик тоифасини баҳс-мунозара билан ҳато фикрдан қайташнинг иложи йўқ эди. Улар халифа бошчилигига мажбурлаш йўли билан ўзларининг бузғунчи фикрларини бутун ислом оламига сингдирмоқчи бўлганлар. Шу ва бошқа сабабларга кўра, Ином Аҳмад ибн Ҳанбал, Абу Зуръа (809–878), Муҳаммад ибн Яхё Зухлий (788–871) кабилар бу хусусда баҳс-мунозара қилиб, мутакаллимларнинг ибораларига батафсил киришишни истамаганлар ва бундай қарор қабул қилишлари ўша давр нуқтаи назаридан ўринли бўлган дейиш мумкин.

Шунга кўра, ушбу босқич имомларининг фикрлари асосида қуидагича хulosа қилиш мумкин: Қуръон Аллоҳнинг каломи, маҳлук эмас; эътиқодда хатарга дучор бўлмаслик учун тафсилотларга киришмаслик лозим.

Учинчи босқич: Мусулмонлар ўртасида кенг тарқалган, буюк олимларнинг қатағон қилинишига сабаб бўлган, Қуръони каримнинг маҳлук ёки маҳлук эмаслиги ҳакидаги фитна Аллоҳ таолонинг инояти билан мусулмон умматининг бошидан кўтарилганидан сўнг зоҳирان қараганда, мусулмонлар ўртасида сукунат ва барқарорлик пайдо бўлгандек эди. Бироқ ҳали ҳануз мўътазилийлик ва мужассима тоифаларининг фикрлари ислом уммати зеҳнидан кетиб улгурмаган эди.

Мўътазилийлик тоифасининг сиёсий майдондан чекиниши нақл асосларидан бири бўлган ҳадис илмига қаратилган эътиборни янада ортириди.

Дарҳақиқат, ушбу даврда муҳаддис олимлар ва ҳадис илми талабалари жуда кўпайди. Бу асрда уммат муҳадисларидан Аҳмад ибн Ҳанбал, Муҳаммад ибн Яхё Зухлий, Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий, Али ибн Мадийни, Муслим ибн Ҳажжож, Ином Термизий, Ином Насоий, Ибн Можа, Абу Довуд, Абу Ҳотим, Абу Зуръа ва Исҳоқ ибн Роҳувайҳ каби энг таниқли етук ҳадис олимлари яшаб ижод қилишган. Бу давр ҳадис илми тараққиётидаги олтин давр эди, дейилса муболаға бўлмайди. Бироқ иккинчи томондан, ҳадис илмининг ривожланиши билан бирга ҳадиснинг мақсадидан кўра матнига, яъни, лафзига бўлган эътибор ҳам кучайди. Натижада мантиқий ва ақлий илмларда турғунлик юзага кела бошлади. Яъни, баъзи масалаларга мантиқий ечим айтилганида қабул қиласлиқ, ўз фикрида қатъий туриб олиш, мутаассиблик ҳолатлари кузатила бошлади. Бу ҳам аслида, уларнинг диний матнларни химоя қилишдаги фидоийликларидан бир кўриниш эди. Бироқ бунинг ортидан ҳадис илми мутахассисларининг ўртасида баъзи масалаларда зиддиятлар пайдо бўлди. Бунга Муҳаммад ибн Яхё Зухлий ҳамда Ином Бухорий (810–870) ўртасида кечган Аллоҳнинг калом сифати хусусидаги баҳс-мунозараларни мисол қилиб келтириш мумкин. Бу тушунмовчиликларнинг асл сабаби, Ином Бухорий ўзининг “Халқ афъол ал-ибод” асарида зикр қилган: “Ўқувчининг Қуръонни талаффуз қилиши маҳлук”, деган сўзи эди. Диққат-эътибор билан ўрганилса, Ином Бухорийнинг айтган иборасида ноаниқлик йўқ. Чунки Ином Бухорий илм аҳлиниң одатига кўра, мазмун ҳамда маънодан иборат, азалий ва қадимий сифат билан мазмунга далолат этувчи, кейин пайдо бўлиб, яратилган нарса ўртасини ажратган холос. Лекин Иномнинг мазкур иборани айтган вақти давр нуқтаи назаридан мўътазилийлар даврига якин бўлгани сабабли, Муҳаммад ибн Яхё Зухлий каби баъзи муҳаддислар бу маънодаги ибораларни қабул қилмаганлар. Шунга кўра, Бухорий ва Зухлий ўртасида зиддиятлар келиб чиқкан. Ушбу зиддият сабабли Ином Бухорий умрининг сўнгги йилларида оғир синовга дучор бўлди ва у дастлаб Нишопурдан, кейин эса, Муҳаммад ибн Яхё Зухлийнинг Бухоро амири Холид ибн Аҳмад Зухлийга ёзган мактуби туфайли Бухоро шаҳридан чиқиб кетишга мажбур бўлди (Мина Зайтун, 2019).

Ином Бухорий мазкур зиддиятлардан сўнг шундай дейди: “Баъзилар талаффуз қилишимиз иккиси бир нарса, яъни, тиловат қилиш – бу тиловат қилинган нарса, қироат қилиш – бу қироат қилинган нарса, деб ўйлабдилар” (Бухорий, 1990).

Куръони каримни маҳлук деганларга: “Ҳакам ибн Муҳаммад Табарий менга шундай сўзлаб берган эди (ундан буни Маккадалигимда ёзган эдим): Суфён ибн Уяйна бизга шундай деб сўзлаб берди: “Етмиш йилдан бўён Амр ибн Динор каби машойихларимизни учратдим уларнинг барчалари: Куръон Аллоҳнинг қаломи ва у маҳлук (яратилган) эмас” деганлар” (Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий, 1990). Сўнгра, бандаларнинг феъллари масаласи ҳакида сўз юритиб, унинг маҳлук (яратилган) эканини баён этган:

Улар (бандалар)нинг ҳаракатлари, товушлари, қасб қилишлари ва ёзув ёзишлари маҳлукдир. Аммо мусҳафларда қатъий баён этилган, тиловат қилинган, сатрларда ёзилган ва қалбларда тушунилган Куръон эса, Аллоҳнинг қаломи бўлиб, яратилган эмас. Бу ҳақда Аллоҳ таоло шундай дейди: “Йўқ! Ү(Куръон) илм берилганлар кўксидаги очик-ойдин оятлардир” (Анкабут сураси, 49-оят) (Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий, 1990).

Демак, бандаларнинг овозлари, дарслари, қироатлари ва ҳаракатлари бандаларга мансуб эканига далолат қиласиган сифатлар билан васфлангани сабабли буларнинг барчаси бандаларнинг амаллари, деб номланади. Бу эса уларнинг яратилганини англаатади.

Илом Бухорийнинг “Халқ афъол ал-ибод” асарини хиссиёт ва тарафкашликка берилмасдан, синчковлик, диққат-эътибор билан ўрганилса, Аллоҳ таолонинг қалом сифати, хусусан, Куръони карим ҳакида келтирилган далиллардан қуидагича холоса чиқариш мумкин: Куръони карим мусҳафларда қатъий баён этилган, тиловат қилинган, сатрларда ёзилган ва қалбларда тушунилган Аллоҳнинг қаломи бўлиб, у маҳлук эмас; бандаларнинг (Куръон ўқишдаги) ҳаракатлари, товушлари, қироатлари, қасб қилишлари ва уни ёзишлари маҳлукдир.

Тўртинчи босқич: Дарҳақиқат, мана шундай эътиқодий масалаларнинг ислом оламида вужудга келишига бир қанча сабаблар бор эди. Улардан энг кўзга кўринганлари қуидагилардан иборат: фатхлар туфайли ислом ерларининг беҳад кенгайиб кетиши; исломга турли динлар вакилларининг кириши; исломга турли яқин ва узоқ юртлар аҳолисининг кириши; динбузарлар ва диндан ўз манфаати йўлида фойдаланишни мақсад қилиб олганларнинг кўпайиши.

Ана шундай оғир бир даврда, соғ ислом ақидасини сақлаб қолиш учун ҳаракат қиласиган уламолар етишиб чиқдилар. Улар Куръони карим ва суннат таълимотлари асосида ҳамда Пайғам-

бар (с.а.в.)нинг саҳобалари услубида ақида масалаларини ёрита бошладилар. Уларга “ахли сунна вал жамоа” номи берилди.

Кейинроқ одамларга тушунарли бўлиши учун матнларни таъвил қилишга ҳам мажбур бўлинди. Турли китоблар битилди. Ахли сунна вал жамоанинг ақида бобидаги таълимотлари тўпланиб, тартибга солинди. Натижада, ақидавий мазҳаблар шаклланди ва улар ўз имомларига ҳам эга бўлди (Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, 2005).

Бу борада Илом Мотуридий (ваф. 944) ва Илом Ашъарийлар (ваф. 936) ахли сунна вал жамоанинг ақида бўйича имомлари, деб тан олиндилар.

Шунга кўра, ахли сунна вал жамоа, хусусан, Илом Мотуридий издошлари таътил (сифатни ўйқقا чиқариш) ҳам, ташбех (маҳлукотлар сифатига ўхшатиш) ҳам қилмадилар, балки барча сифатларни ўхшатишсиз тасдиқладилар. Шунингдек, Аллоҳ таолонинг қаломи ҳарф ҳам, товуш ҳам, тил ҳам эмас, чунки у ҳарф ёки товуш ва тилдан иборат бўлса, яратилган мавжудот – маҳлукотларнинг қаломига ўхшаб қолади.

Қачонки, “Бисмиллахир Роҳманир Роҳим” дейилса, “б” ҳарфи билан ўқиши башлаб, у тугаганидан сўнг “с” ҳарфини ўқиши башланади ва мана шундай давом этилиб, сўзлар ҳарфлардан, товушлардан, иборат бўлиб, тўхтайди ва унинг охири бор. Агар сукут қилинадиган бўлса, гап ёки сўз ярмига етмасдан узилади ва тугайди. Аллоҳ таолонинг қалом сифати бундай бўлиши мумкин эмас. Аллоҳ таолонинг қалом сифати ҳакида сўз борар экан, сифат ҳамда сифатга далолат қилувчи ёки сифатни ифода этувчи нарса ўртасида фарқ борлигига эътибор берилиши зарур бўлади (Ҳасан ибн Абу Бақр ал-Мақдасий. 2012).

Ушбу мавзу бўйича Илом Мотуридий сўзининг холосаси қуидагича:

Аллоҳ таоло Ўзининг азалий нафсий қалом сифати билан мутакаллим, яъни гапиравчидир.

Куръон Аллоҳ таолонинг қаломи. Бироқ Илом Мотуридий Аллоҳ таолонинг азалий нафсий қаломи сифати билан Унинг қаломини ифода этувчи нарса ўртасини ажратган. Шунга кўра, Аллоҳ таолонинг нафсий қаломи Унинг қадимији ва азалий сифатидир. Аллоҳ таолонинг қалом сифатини ифода этувчи нарсалар, мисол учун, Жаброилнинг ифода этиши, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ифода этишлари ва шунга ўхшаш бошқа ишлар кейин яратилган нарсалар хисобланади.

Демак, Илом Мотуридий Аллоҳнинг қаломи маҳлук ёки Куръон Аллоҳнинг қаломи эмас, деб, Унинг қалом сифатини ўйқقا чиқармаган, балки Аллоҳнинг қадимији ва азалий қалом сифати билан

ушбу сифатни ифода этиш ўртасини ажратган, холос (Мотуридий, 2019). Мўътазила тоифаси аъзоларидан бошқа, аҳли сунна вал жамоанинг ҳеч бир олимни бундай фикрни илгари сурмаган. Чунки Қуръон Аллоҳ таолонинг каломи. Шунга кўра, Аллоҳнинг қадимий ва азалий нафсий калом сифати ҳамда қоғозга кўчириб ёзилган, қироат килинган яъни, кейин пайдо бўлган каломнинг ўртасини фарқлаш фақат таълим бериш масканларида ёки шубҳаларга раддиялар бериш ўринларида зикр этилади.

Дарҳақиқат, ушбу мавзуда сўз юритган Абу Ҳанифа ва у кишининг шогирдлари Абу Юсуф, Мухаммад Ҳасан Шайбоний ҳамда аҳли ҳадислардан Ином Бухорий каби барча уламолар мўътазилийлик, мушаббиха ва муаттиларга раддия беришда бу мавзуни батафсил ёритишига ҳаракат қилганлар. Хусусан, Ином Мотуридий замонларига келиб, фирмалар, тоифалар, гурӯхлар ҳаддан зиёд кўпайди. Улар орасида мужассималар пайдо бўлди. Ҳатто мужассима тоифаси ичидан баъзилари Қуръон ўқиганларида ўзларини Аллоҳ таолонинг сифати билан сифатланганини даъво қиладиган “хулулий”лари пайдо бўла бошлади. Булардан олдин эса, Аллоҳ таолонинг калом сифатини мутлақо инкор этган, барчага маълум ва машхур мўътазилийлар пайдо бўлган ва уларнинг издошлири ҳали-ҳануз ўз фикридан қайтмаган эдилар. Шу сабабли аҳли сунна вал жамоа олимлари, хусусан, Ином Мотуридий изоҳлаш, шарҳлаш ва керакли ўринларда таъвил қилиш орқали эътиқодий муаммоларни ҳал қилиш ёки шубҳаларга раддиялар бериш учун мана шу ажратиш, яъни Аллоҳ таолонинг Зотидаги қадимий ва азалий нафсий сифати билан муайян бир лаҳзада бандалар тилида, мусҳафларда пайдо бўлган Қуръони карим ўртасини ажратишдаги энг дақиқ услубни йўлга қўйган. Яъни, у Жаброил алайҳиссалом ва Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўқиб берган, сўнгра у зот ортларидан замонлар оша барча мусулмонлар томонидан ўқилиб, варакларга кўчирилиб ёзилган Қуръондир.

Шундай экан, Аллоҳ таолонинг калом сифати дейилганда, Унинг қадимий нафсий каломи тушунилади. Аммо Жаброил алайҳиссалом олиб тушган Қуръони карим ҳам Аллоҳ таолонинг каломи, лекин унинг қадимий нафсий сифати эмас, балки У Зотнинг азалий сифатини ифода этувчиридир. У Аллоҳнинг каломи дейиладими? Албатта, Қуръоний далилга кўра, Аллоҳнинг каломи дейилади, бироқ инсон ақли юқорида зикри келган икки мартабанинг ўртасини ажратиши керак

бўлади (Бадахшоний, 2021) (Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, 2021).

Аллоҳ таолонинг каломига бўлган одоб-ахлоқ юзасидан ушбу гап умумий ҳолда, Қуръони каримга нисбатан ишлатилмайди. Яъни, “бирор инсон “лафзий Қуръон маҳлукдир”, деб айтиши ҳам жоиз эмас. Чунки гарчи “Қуръон” сўзи ишлатилиш ўринларига қараб аслида бундай дейиш жоиз бўлса ҳам, унда куфрга олиб борувчи шубҳа мавжуд. Зоро “Қуръон” сўзи гоҳида “қироат” маъносида ишлатилади. Мисол учун, “бомдод Қуръони” дейилганда “бомдоддаги қироат” маъноси тушунлади. Гоҳида “мусҳаф” маъносида ишлатилади. Мисол учун, “Қуръон билан душман ерига сафар қилманглар”, деган ҳадисда “мусҳаф билан” деган маъно кўзда тутилган. Гоҳида бу лафздан Аллоҳ таолонинг қадимий каломи бўлмиш ўқиладиган нарса ирова қилинади. Мисол учун, Аллоҳ таолонинг Наҳл сурасидаги “Агар Қуръон ўқисангиз..” (Наҳл сураси, 98-) ояти “Аллоҳ таолонинг Каломини ўқисангиз”, деган маънода келган.

“Қуръон” сўзи яратилган деган маънога далолат қилувчи бирор далил билан зикр қилинса, мусҳаф ёки қироат маъносига йўйилади. Мисол учун, Қуръонни бетаҳорат ушлаш ҳаром қилинган оятда “Қуръон” сўзидан “мусҳаф” ирова қилинади. Лекин, шундай бўлишига қарамай, мутлақ ҳолда “Қуръон яратилгандир”, дейиш жоиз эмас (Мулла Али Қорий, 2021).

Демак, юқорида ўрганилган мазкур босқич уламоларининг фикрларидан қуидагича хуласа қилиш мумкин бўлади: Аллоҳ таоло азалий ва қадимий нафсий калом сифати билан гапиравчидир. Қуръон Аллоҳ таолонинг каломидир; Ином Мотуридий Аллоҳ таолонинг азалий нафсий каломи билан Унинг каломини ифода этувчи нарсанинг ўртасини ажратган; Жаброил алайҳиссалом олиб тушган Қуръони карим ҳам, Аллоҳ таолонинг каломи, лекин Унинг қадимий сифати эмас, балки Унинг қадимий сифатини ифода этувчиридир; Аллоҳ таолонинг каломига бўлган ҳурмат одоб-ахлоқ юзасидан ушбу гап умумий ҳолда Қуръони карим мусҳафига нисбатан “Қуръон яратилгандир”, дейиш жоиз эмас.

## НАТИЖА

Дарҳақиқат, уламоларнинг юқорида ўрганилган фикрларига эътибор берадиган бўлсан, уларнинг ҳар бири ўз даврининг ижтимоий мухити, инсонларнинг фикрлаши, дунёқарashi,

одамларнинг диний-эътиқодий масалаларда йўл қўйган хатоларидан келиб чиқсан ҳолда, уларнинг онглари қабул қилишига кўра, тушунтиришга харакат қилганларининг гувохи бўлинади. Чунки номлари зикр қилинган уламоларнинг барчалари ўз даврининг энг кучли мужтаҳид олимлари бўлганлар. Аллохнинг розилигини топиш йўлида ижтиҳод қилганлар ва ижтиҳодларига кўра, ўз фикрларини айтганлар. Уларнинг хеч бирлари қилган ижтиҳодларида далил-хужжатсиз гапирмаганлар. Шунга кўра, уларнинг фикрларидан келиб чиқсан ҳолда қуидагича холоса қилинади:

1. Сахобийлар розияллоҳу анҳум даврида бу каби масалаларни сўрашга ҳожат бўлмаган ёки савол туғилса, Набий алайҳиссаломдан сўраб олиш имкони бўлган. Шунингдек, улар араб тилини мукаммал даражада билганлари сабабли оят ва хадислардаги муташобҳ сўзларни тўғри тушуниб, уларнинг маъносини тўғри англаганлар.

2. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этганларидан сўнг саҳобаларнинг ўртасида ҳам баъзи масалаларда ихтилофлар пайдо бўлди. Улар ўз даврларининг ақлий даражаларидан келиб чиқиб, Қуръон ва суннатга мувофиқ ҳолда муаммоларни ҳал этишга харакат қилдилар.

3. Тобеинлар даврига келиб, мажусийлар, оташпастларнинг ислом динига кириши оқибатида баъзи эътиқоди бузуқ шахсиятлар шакллана бошлади. Бунга Жаъд ибн Дирҳам ва унинг шогирди Жаҳм ибн Сафвон ва уларга эргашганларни мисол қилиб келтириш мумкин. Буларга эса, Имом Абу Ҳанифа ва у зотнинг шогирлари томонидан кучли раддиялар берилгани тарихдан маълум.

4. Аббосийлар даврига келиб эса, юонон, форс, ҳинд файласуфларининг илоҳиётга тааллуқли китоблари таржима қилиниши натижасида турли хил фикрлар мусулмон жамиятида кўплаб муаммолар келиб чиқшига сабаб бўлди. Буни мўътазилийлик жамоасининг ақлиётларга берилиб, уларнинг фикрлари давлат миқёсида тан олинишида ҳам кўриш мумкин. Бу даврда Имом Аҳмад каби мужтаҳид олимлар ўз сўзларида маҳкам турдилар ва алал-оқибат аҳли сунна вал жамоанинг ғалабаси билан яқун топди. Аммо Имом Аҳмад шундай йўл тутдик, унинг мухолифлари ўзларининг ақлий далиллари билан у кишини енга олмадилар. Чунки, Имом бир сўздан, яъни “Қуръон Аллохнинг каломидир” дейишдан нарига ўтмади.

Ушбу ғолиблиқдан сўнг, аҳли мезонини четта суриб, нақлга берилиб кетиш ва нақлда келган матнларнинг айтилишидан кўзланган мақсад ва

уларнинг маъно-мазмунларига эътибор бермаслик оқибатида, ақлий-мантиқий мушоҳада қилиш ва илмий баҳс-мунозаралар бир муддат турғунликка юз тутди. Ўз фикрига мутаассибона ёндашув сабабли, баъзи ҳадис имми намояндалари ўртасида зиддиятлар пайдо бўлди. Бунга Зуҳлий ва Имом Бухорий ўртасидаги баҳсларни мисол қилиш мумкин.

### ХУЛОСА

Ҳижрий учинчи асрнинг ярмидан ўтиб аҳли сунна вал жамоа ичидан Имом Мотуридий, Имом Ашъарий ва Имом Таховий каби уламолар етишиб чиқди ва ақл ҳамда нақл ўртасини мувофиқлаштирган ҳолда, бутун ислом умматига эътиқодий масалаларни ёритиб бердилар. Шу билан бутун ислом уммати орасида юзага келган турли хил бузғунчи эътиқодий қарашларга чек қўйилди.

Демак, ушбу эътиқодий қарашлар ислом уламолари томонидан босқичма-босқич, давр, мухит, жамиятнинг илмий ва ақлий даражаларидан келиб чиқиб, нақл ва ақлга мувофиқ ҳолда қилган ижтиҳодларининг холосасидир. Буни Имом Абу Ҳанифанинг изоҳлаши Имом Аҳмадникидан ёки Имом Бухорийнинг шарҳлаши Имом Мотуридийникидан ўзгачалигидан кўриб билиш ҳам мумкин. Ҳар бир даврда ўзига яраша фитналар, сиёsat, илмий ўзгаришлар, ақлий ўзгаришлар содир бўлди. Буларнинг барчасини инсон эътиқодига таъсири бўлмай иложи йўқ. Шу сабабларга кўра, давр тақозосидан келиб чиқсан ҳолда, уламолар ижтиҳод қилдилар ва ечимларни мусулмонларга тақдим этдилар. Мусулмонлар бир минг икки юз йилдан буён ушбу ечимлар асосида эътиқод қилиб келмоқдалар.

Нима учун ушбу ақидавий қарашлар бир минг икки юз йилдан буён йўқ бўлиб кетмади, деган ўринли савол туғилади. Бу саволга “ушбу ақида Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам “Энг яхши асрлар”, деб башорат бергандари –аввалги уч асрда ҳар томонлама пишиб етилгани учун йўқ бўлиб кетмаган, деб жавоб берилса муболага бўлмайди. Чунки ўша асрларда мусулмон уммати ўртасида ҳар хил бузғунчи тоифалар вужудга келган бўлиб, барчасига муборак уч аср уламолари раддиялар берив, бир-бирларини тўлдириб боргандар. Шунга кўра, аҳли сунна вал жамоа эътиқоди мустаҳкам илдизга эга. Бундай мустаҳкам асосга эга бўлган ақидага болта уришга

ҳаракат қилаётганлар ғаразли эҳтирослардан холи бўлиб, мутаассиблиқдан четланган ҳолда, ушбу ақиданинг мана шу жиҳатларига эътибор берсалар, алломаларнинг асарларини чуқурроқ ўргансалар, албатта, эътиrozларга ўрин қолмайди.

## МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Аҳмад ибн Ҳанбал. 2003. Ар-Рад ала ал-жаҳмия ва аз-занодика. Ар-Риёд: Дор ас-Сабот лин-нашри ватавзеъ.
2. Бадахшоний, Муҳаммад Анвар. 2021. Ақийдатут-Таҳовия шархининг талхиси. [перев.] Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ақийдатут-Таҳовия шархининг талхиси. Тошкент: “Hilol-Nashr”.
3. Бухорий, Муҳаммад ибн Исмоил. 1990. Халқ афъол ал-ибод ва ар-рад ала ал-жаҳмия ва асҳоб ат-таътил. Халқ афъол ал-ибод ва ар-рад ала ал-жаҳмия ва асҳоб ат-таътил. Байрут: Muassasa ар-Рисола.
4. Мина Зайтун. 2019. دراسات ومحوث. <https://www.almothaqaf.com/>.
5. Мотуридий, Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад. 2019. Китоб ат-тавҳид. Китоб ат-тавҳид. Байрут: Мактабатул-иршод.
6. Мулла Али Қорий. 2021. Ал-Фикҳ ал-акбар шархи. Мулла Али Қорий. Ал-Фикҳ ал-акбар шархи. Тошкент : “Ўзбекистон халқаро ислом академияси” нашриёт-матбаа бирлашмаси.
7. Торик Сувайдон. 2011. Абу Ҳанифа ан-Нўймон. [book auth.] Торик Сувайдон. Абу Ҳанифа ан-Нўймон. Кувайт: Шарика ал-ибдоъ ал-фикрий лин-нашри ватавзеъ.
8. Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. 2005. Сунний ақийдалар. Тошкент : Мовароуннахр.
9. Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. 1990. Халқ афъол ал-ибод ва ар-рад ала ал-жаҳмия ва асҳоб ат-таътил. Халқ афъол ал-ибод ва ар-рад ала ал-жаҳмия ва асҳоб ат-таътил. Байрут : Muassasa ар-Рисола.
10. Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. 1990. Халқ афъол ал-ибод вар-рад алал-жаҳмия ва асҳоб ат-таътил. [авт. книги] Бухорий. Халқ афъол ал-ибод. Байрут: Muassasa ар-рисола.
11. Абу Ҳанифа. 2021. Ал-Фикҳ ал-акбар. [авт. книги] Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ақоид илми ва унга боғлиқ масалалар. Ташкент: “Hilol-Nashr”.
12. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. 2021. Ақоид илми ва унга боғлиқ масалалар. [авт. книги] Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ақоид илми ва унга боғлиқ масалалар. Ташкент: “Hilol-Nashr”.
13. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. 2005. Сунний ақийдалар. [авт. книги] Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Сунний ақийдалар. Тошкент : Мовароуннахр.
14. <http://old.muslim.uz/>. 2019. Мақолалар Имоми Аъзам Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ. <http://old.muslim.uz/>.
15. <https://www.souhnoun.com/>. [В Интернете] [Цитировано: 20 январ 2022 г.]
16. [www.souhnoun.com](http://www.souhnoun.com). العقيدة-الإسلامية. [www.souhnoun.com](http://www.souhnoun.com). [В Интернете]
17. Абу Ҳанифа. 2021. Ал-Фикҳ ал-акбар. [перев.] Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ақоид илми ва унга боғлиқ масалалар. Ташкент: “Hilol-Nashr”
18. Ҳасан ибн Абу Бакр ал-Мақдасий. (2012). Гоятул-маром фи шарҳ баҳр ал-уалом. Қоҳира: Ал-Мактаба ал-Азҳария лит-турос. №17408

